

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ДИЛАФРЎЗ БАҲОДИРОВНА**

**БОШ ОҒРИҚ СУРУНКАЛИ ШАКЛЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА НЕЙРОИММУНОЛОГИК ЎЗИГА  
ХОСЛИГИ, ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по медицинским  
наукам**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation in medical science**

**Ахмедова Дилафрўз Баходировна**

Бош оғриқ сурункали шаклларининг клиник-нейрофизиологик ва  
нейроиммунологик ўзига хослиги, даволашни оптималлаштириш  
усуллари ..... 3

**Ахмедова Дилафруз Баходировна**

Клинико-нейрофизиологические и нейроиммунологические  
особенности при хронических формах головной боли, оптимизация  
методов лечения ..... 25

**Akhmedova Dilafruz Bahodirovna**

Clinical, neurophysiological and neuroimmunological features in chronic  
forms of headache, optimization of treatment methods ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ДИЛАФРЎЗ БАҲОДИРОВА**

**БОШ ОҒРИҚ СУРУНҚАЛИ ШАКЛЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
НЕЙРОФИЗИОЛОГИК ВА НЕЙРОИММУНОЛОГИК ЎЗИГА  
ХОСЛИГИ, ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Tib849 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ходжиева Дилбар Таджиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хайдарова Дилдора Кадировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аликулова Нигора Абдукадыровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шомуродова Дилноза Салимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200007, Бухоро, Ѓиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200007, Бухоро, Ѓиждувон кўчаси, 23- уй.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Д.И.Тўқсонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотига кўра, бош оғриғи ногиронликка олиб келувчи касалликлар орасида инсульт ва деменциядан кейин 3-ўринни эгаллайди. Дунёда ушбу касаллик катта ёшли аҳоли орасида 40%гача учрайди, 2021 йилда 3.1 млрд аҳолида мигрень кузатилган<sup>1</sup>. Илмий манбаларда «...аҳолининг 85%и даврий бош оғриқларини ҳис этишади, уларнинг 40%и ижтимоий ва меҳнат фаоллиги сусайишини ҳис этишади ва бу малакали тиббий ёрдамни талаб қилиши.....»<sup>2</sup> келтирилган. 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳолининг тўртдан уч қисмида сўнгги бир йил ичида камида бир марта бош оғриқ хуружи кузатилади, сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари эса 2-3% аҳолида кузатилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бош оғриқ сурункали кўринишлари меҳнат лаёқатини пасайтириш, ҳаёт сифати камайиши ва турли сўровлар бўйича аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган оғриқ синдромларидан бири саналади.

Жаҳонда сурункали бош оғриғида олий асаб тизими, иммун тизим ва вегетатив тизимда ўзгаришлар динамикада турлича намоён бўлади, ҳамда ўзига хос симптомокомплекс билан намоён бўлади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, сурункали бош оғриқларида беморларнинг клиник-неврологик, нейропсихологик, нейроиммунологик бузилишлар, нейрофизиологик ва нейровизуал ўзгаришларни солиштирма ташхиси, беморларни эрта ташхислаш, этиопатогенетик асосланган даволаш ва профилактика усулларини таклиф этиш, даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади..

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, сурункали бош оғриғи мавжуд беморларда касалликни эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар беморларда сурункали аурали мигрень, аурасиз мигрень ва сурункали зўриқишдаги бош оғриғининг клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал таъсирини баҳолаш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташхис ва даво

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO). Headache disorders Fact sheet.08 июнь 2022 йил

<sup>2</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>, 2018

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

муолажаларини олиб боришга қаратилган муайян чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 30 августдаги ПҚ 5590-сонли «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-3925-сонли «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони ва соҳани такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.**

Бош оғриқ сурункали шакллари иммунологик механизмлари борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University College London (UCL) Queen Square Institute of Neurology, London, UK; Infectious Disease Institute, College of Health Sciences, Makerere University, Kampala, Uganda; Kiruddu National Referral Hospital, Kampala, Uganda; Department of Neurology, Xuanwu Hospital, Capital Medical University, National Center for Neurological Disorders, Beijing People's (Republic of China); Department of Pediatrics, medical Institute Tokio; Hospital Clínico Universitario de Valladolid (АҚШ); Department of Medicine, Faculty of Medicine, Universidad de Valladolid, Valladolid, (Spain); Department of Neurology, BeauAMnt Hospital, BeauAMnt Road, Dublin 9, Ireland, Самара халқаро университети, Ставрожинсь тиббиёт институти, Ростов давлат тиббиёт институтида олиб борилмоқда.

Мигрень касаллиги иммунологияси борасида қуйидаги илмий натижалар олинган: мигрень касаллиги шаклланишида депрессиянинг аҳамияти ўрганилиб, унда серотонин, жинсий гормонлар, цитокинлар ўрни борасида маълумотлар келтирилган (Hospital Pharmacy Service, Hospital General Dr. Balmis de Alicante, Spain), мигренни даволашда моноклонал антитаначалар

---

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca); [www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca); [www.univ-nantes.fr](http://www.univ-nantes.fr); [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br); [www.uq.edu.au](http://www.uq.edu.au); [www.fimmu.com](http://www.fimmu.com); [www.en.csu.edu.cn](http://www.en.csu.edu.cn); [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg); [www.exeter.ac.uk](http://www.exeter.ac.uk); [www.ncl.ac.uk](http://www.ncl.ac.uk); [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca); [www.cgu.edu.tw](http://www.cgu.edu.tw); [www.kcl.ac.uk](http://www.kcl.ac.uk); [www.monash.edu](http://www.monash.edu); [www.rushu.rush.edu](http://www.rushu.rush.edu); [www.ion.uoregon.edu](http://www.ion.uoregon.edu); [www.cuhk.edu.hk](http://www.cuhk.edu.hk); [www.clneuro.ox.ac.uk](http://www.clneuro.ox.ac.uk); [www.klinikum.uni-muenchen.de](http://www.klinikum.uni-muenchen.de); [www.iem.cas.cz](http://www.iem.cas.cz); [www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca); [www.unab.cl](http://www.unab.cl); [www.ukbb.ch](http://www.ukbb.ch); [www.unimelb.edu.au](http://www.unimelb.edu.au); [www.nich.edu.pk](http://www.nich.edu.pk); [www.med.emory.edu](http://www.med.emory.edu); [www.uni-tuebingen.de](http://www.uni-tuebingen.de); [www.alexu.edu.eg](http://www.alexu.edu.eg); [www.ru.uj.edu.pl](http://www.ru.uj.edu.pl); [www.kagawa-u.ac.jp](http://www.kagawa-u.ac.jp); [www.chuvsu.ru](http://www.chuvsu.ru); [www.sechenov.ru](http://www.sechenov.ru); [www.liu.se](http://www.liu.se); [www.w3.sdu.edu.tr](http://www.w3.sdu.edu.tr); [www.umich.edu](http://www.umich.edu); [sarah.pendlebury@clneuro.ox.ac.uk](mailto:sarah.pendlebury@clneuro.ox.ac.uk) ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

CGRP генига нисбатан пептид ўрни исботланган (HUN-REN-SZTE Neuroscience Research Group, Hungarian Research Network, University of Szeged (HUN-REN-SZTE), Danube Neuroscience Research Laboratory, Hungary), резистент мигренда CGRP/R га моноклонал антитанача самараси ўрганилган (Section of Psychiatry, Department of Clinical and Experimental Medicine, University of Pisa, Italy); артериал гипертензия ва мигреннинг алоқадорлиги ўрганилган (Department of Brain and Behavioral Sciences, University of Pavia, Italy); мигрень давосида гепантларнинг амитриптилин дори воситасига нисбатан ножўя таъсирлари камлиги асосланган (Department of Neurology, Konventhospital Barmherzige Brüder Linz, Linz, Austria); rAAV2-PCBP1-EGFP ген терапияси самарадорлиги индуцирланган моделда ўрганилган (Fuxing Hospital, Capital Medical University, Beijing (China); мигренда рухий бузилишлар ўрганилган (Ростов давлат тиббиёт университети (Россия); биомаркерлар аниқланган (Перм давлат тиббиёт институти (Россия Федерацияси).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бош оғриғи шифокорга мурожаат қилаётган беморларнинг энг кўп учрайдиган шикоятлари бўлиб, шу сабабли кўпгина тадқиқотчиларни қизиқтиради. Бу борада кўплаб чет эл ва Россия тиббий нашрларида кўрсатиб ўтилган (Гольдман Р.Е., Дамуш Т.М., 2020; Салахи М., 2022; Леонардо Б.,2022., Emma Troy.,2023., Christian Lampl.,2023; Masaru Tanaka.,2023; Г.У.Саъдинова.,2023;Adrián Viudez-Martínez.,2024; Meixuan Ren.,2024; David García Azorín.,2024; Alessandra Della Vecchia.,2024., Federico Mazzacane.,2024; В.А.Головачёва.,2024.).

Тадқиқотчилар томонидан мигренда кузатиладиган рухий бузилишлар ўрганилган (В.А.Головачёва.,2024), тизимли қизил югурик ва мигрень касаллиги орасида алоқадорлик аниқланди (Meixuan Ren.,2024). Мигрень касаллигида хуруж вақтида прояслиғланиш цитокинлари ошиши аниқланди (Гаку Яманака.,2023). Мигрень касаллиги профилактикасида кандесартан самарадорлигини исботланди (David García Azorín.,2024). Эренумаб дори воситасининг фармакорезистент сурункали мигренга самара бериши исботланган (Emma Troy.,2023., Masaru Tanaka.,2023., Alessandra Della Vecchia.,2024). CD3, CD4, CD8 ва CD19 микдорининг сурункали мигренда эпизодик мигренга нисбатан юқорилиги аниқланган (Adrián Viudez-Martínez). Мигрень давосида гепантларнинг амитриптилин дори воситасига нисбатан ножўя таъсирлари камлиги асосланган (Christian Lampl.,2023). Тадқиқотчилар томонидан сурункали бош оғриқларини адекват даволаш учун ихтисослашган марказлар бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган, ҳамда даволаш тадбирлари протоколлар асосида олиб борилиши кераклиги таъкидланган (Гольдман Р.Е., Дамуш Т.М., 2020).

Бош оғриқлари бемор кундалик ҳаёт фаолиятига таъсир этиб, ҳаёт сифатини яққол бузиши, турли коморбид бузилишлар (депрессия, уйқунинг бузилиши, соматоформ бузилишлар) билан бирга кечиши, самарали даво усуллари танлаш қийинлиги сурункали бош оғриғини мураккаб ижтимоий-тиббий муаммо даражасига олиб чиқиши кўрсатилган (Сергеев А.В., 2018).

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан бош оғриқларининг патогенетик механизмларини очиб беришга, касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига оид қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Саноева М.Ж.,2020; Саъдинова Г.У.,2023; Алиджанова Д.А., 2023; Мавланов М.М.,2024.). Бош оғриқлар борасида кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамасдан, сурункали бош оғриғида вегетатив, ҳамда нейрогуморал тизим ўрни ҳақида маълумотлар етарли эмас, бу эса мазкур муаммо бўйича батафсил клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказиш заруриятини кўрсатади. Хорижий ва маҳаллий манбалар маълумотларида бош оғриқлари профилактикасига ва даволашга нисбатан қарама-қарши маълумотларнинг учраши ушбу тадқиқотни ўтказишга сабаб бўлди. Келтирилган илмий ишда тиббиётда самарали ва эрта ташхислашнинг етакчи усулларидадан фойдаланган ҳолда сурункали бош оғриқларида дифференциал даволаш самарадорлиги кенг очиб берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2022 DSc.152) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бош оғриқ сурункали шакллари клиник-нейрофизиологик, нейроиммунологик ўзига хослигини ўрганиш, даволашни оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

текширилаётган контингентда сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари, сурункали аурали ва аурасиз мигрень, абuzuсли бош оғриғи клиник-объектив хусусиятларини ўрганиш;

текширилаётган контингентда сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари, сурункали аурали ва аурасиз мигрень, абuzuсли бош оғриғи нейрофизиологик хусусиятларини қиёсий баҳолаш;

текширилаётган контингентда сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари, сурункали аурали ва аурасиз мигрень, абuzuсли бош оғриғи нейроиммунологик хусусиятларини ўрганиш;

клиник, нейроиммунологик ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни статистик таҳлил қилиш;

текширилаётган контингентда сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари, сурункали аурали ва аурасиз мигрень, абuzuсли бош оғриғи даволаш чораларини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро шаҳридаги “CARMEN PLUS” кўп тармоқли клиникасида 2021-2024 йиллар давомида турли ёшдаги 117 нафар сурункали зўриқишдаги бош оғриғи, 151 нафар мигрень, шундан 76 нафари аурали мигрень ва 75 нафари аурасиз мигрень билан касалланган

бемор ва таққослаш гуруҳи сифатида 47 нафар абузусли бош оғриғи мавжуд бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник-объектив, нейрофизиологик, невровизуал, нейроиммунологик текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрофизиологик, невровизуал, нейропсихологик, нейроиммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

электроэнцефалографияда пешона соҳасидаги секин тўлқинлар билан когнитив бузилишлар ўртасида ва психоэмоционал бузилишларнинг оғрик интенсивлиги билан кучли мусбат корреляция аниқланиб, мигреннинг оғирлашувини кўрсатувчи индикатор сифатида баҳоланган;

электроэнцефалографик таҳлиллар асосида аурали ва аурасиз мигренда пешона соҳасида секин тўлқинлар ва паст амплитудали альфа фаоллик, абузусли бош оғриқда визуал реактивлик пасайиши ва тўлқин амплитудаси камайиши, сурункали зўриқишдаги бош оғриғида эса ритм барқарорлиги ва альфа доминантлик сақланиши аниқланган;

илк бор витамин 25(ОН)D даражаси паст бўлган беморларда мигрень ҳуружларининг кўпроқ кузатилиши ва оғрик интенсивлигининг юқорирак бўлиши аниқланган;

сурункали мигреннинг аурали ва аурасиз шаклларида ҳуруж вақтида интерлейкин-1 $\beta$ , IL-6 даражалари ишончли ошиши, интерлейкин -10 (IL-10) пасайиши, ремиссия даврида эса интерлейкин-1 $\beta$  нисбатан юқори даражада сақланиши, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва абузусли бош оғриқларда бу цитокинларнинг фаол эмаслиги, С-реактив оксилнинг барча гуруҳларда ошиши аниқланган;

сурункали бош оғриқнинг клиник-неврологик ва нейроиммунологик белгилари намоён бўлишига кўра даволашнинг дифференциал ёндашув алгоритми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

нейрофизиологик ўзгаришлар баҳоланиб, мия биоэлектрик фаоллиги ва когнитив бузилишлар ўртасидаги боғлиқликлар аниқланган. Мигрень ва бошқа сурункали бош оғриқларда альфа ритм амплитудасининг пасайиши, паст амплитудали ритмлар ва фокал тета-дельта ритмлар кўп учраши аниқланган;

когнитив функцияларни баҳолашда Trail Making Test натижалари мигренли беморларда диққат ва тезкор фикрлаш қобилияти пасайганини кўрсатган;

яллиғланиш ва иммун тизими кўрсаткичлари оғрик механизми билан боғлиқлиги аниқланган. Интерлейкинлар (IL-6, IL-1 $\beta$ , IL-10) ва С-реактив оксил (CRP) бош оғрик ҳуружлари пайтида юқори даражада аниқланди, бу эса мигрень ва бошқа бош оғриқларда яллиғланиш жараёнлари фаол эканини тасдиқлаган. Ҳуруждан ташқари вақтда бу кўрсаткичлар пасайганлиги яллиғланиш динамикаси оғрик механизмида муҳим роль ўйнашини кўрсатган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, ташхислаш ва даволаш усулларини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижанинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали бош оғриқларининг келиб чиқиш механизмини чуқур ўрганиш, диагностика ва даволаш усулларини чуқурлаштиришдан ташқари, аниқланган яллиғланиш ва нейрофизиологик боғлиқликлар орқали янги диагностик ва терапевтик стратегиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали бош оғриқларини ташхислашда клиник-неврологик, нейрофизиологик, лаборатор-инструментал текширувлардан катта диагностик аҳамият касб этадиган усулларини ажратиб олиш орқали мия фаолиятидаги ўзгаришлар ва яллиғланиш маркерлари асосида аниқроқ ташхис қўйиш ва индивидуал самарали даволаш йўлларини такомиллаштириш, бемор ҳаёт сифатини ошириш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан асосланган. Беморларнинг сифатли ҳаёт кечиришига ижобий таъсир кўрсатди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали аурали, аурасиз мигрень, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи, абузусли бош оғриқ касаллиги мавжуд беморларни клиник баҳолаш ва даволаш динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган;

сурункали бош оғриқ мавжуд беморларда клиник-неврологик текширув натижаларидан олинган илмий натижалар асосида «Бош оғриқ сурункали шаклларининг клиник-неврологик ўзига хослигини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 28 мартдаги 25-м/059-сонли маълумотномаси), «Сурункали бош оғриқни даволашни оптималлаштирилган усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 28 мартдаги 25-м/061-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда комплекс терапия самарадорлигини баҳолаш имкониятини берган;

ўтказилган тадқиқот натижаси Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Самарқанд вилоят тиббиёт бирлашмаси, Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси клиник амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 майдаги 000219-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали аурали, аурасиз мигрень, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи, абузусли бош оғриғи мавжуд беморларда клиник-неврологик, вегетатив, когнитив, ҳаёт сифати бузилишларини эрта ташхислаш, нейрофизиологик ўзгаришларни эрта

баҳолаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш имкониятини берган.

**Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** сурункали бош оғриқларида ҳавотир ва депрессияни даволаш беморларни нисбатан тез муддатларда оёққа туришига, даволаниш кунлари қисқаришига, меҳнат фаолиятига қайтишига сабаб бўлиб, меҳнат қобилияти тикланиши орқали ногиронлик кузатилиши мумкин бўлган беморлар сонини камайтиришга имкон берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ўртача даволаниш кунини сурункали мигренда 1,3 кунга, сурункали зўриқишдаги бош оғриғида 1,2 кунга ва абузусли БОда 1,7 кунга қисқаришига олиб келди. <https://technomed.uz/> дастури ҳисоблаш натижалари сурункали БОда бир кунлик даволаниш бюджет ҳисобидан 104210.80 сўмни ташкил қилиб, ушбу маблағларни иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** сурункали БО билан бир кунлик даволаниш стационар ҳаражатлари дори дармонлардан ташқари ҳар бир нафар бемор учун бюджет маблағларини суткасига 104210.80 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

**Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** бош оғриғи бўйича ташхис қўйишдаги ишончлилиқ ошиши, даволаш протоколларининг индивидуаллашуви ва беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига замин яратди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** нотўғри ташхислар ва уларга боғлиқ ортиқча тиббий ҳаражатларнинг камайиши, самарали даволаш натижасида меҳнат қобилияти тикланган беморлар сонининг ортиши орқали ҳар бир беморда бюджет маблағлари ҳисобидан 240.700 сўм иқтисод қилишга эришилган, ҳамда тиббиёт муассасаларида ресурсларни оптимал тақсимлаш орқали тизим самарадорлигининг ошиши таъминланди. **Хулоса:** клиник нейрофизиология соҳасида диагностика ва терапевтик ёндашувларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди ва 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини суткасига 240.700 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

**Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** Витамин D етишмовчилигини бартараф этиш бош оғриқ ҳуружларининг камайишига олиб келиб, беморларнинг кундалиқ турмуш фаолиятини яхшилади, иш қобилиятини сақлайди ва таълим жараёнидаги узилишларни камайтиради. Шу орқали жамиятда соғлом ва фаол аҳоли улуши ошади, психологик барқарорлик таъминланади ва умумий ижтимоий самарадорликка эришилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** витамин D етишмовчилигини эрта ташхислаш натижасида бир нафар бемор ҳисобига 15.400 сўмга иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** Олинган илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши витамин D даражасини назорат қилиш ва етишмовчиликни бартараф этиш орқали бош оғриқ ҳуружларини камайтириш, ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** Мигрень патогенезида яллиғланиш цитокинлари (IL-6, IL-1 $\beta$ , IL-10) ва C-реактив оксил (СРО) даражасининг ҳуруж пайтида ишончли ошиши ва ремиссия даврида пасайиши, клиник динамикани молекуляр даражада мониторинг қилиш

имконини яратади. Бу биомаркерлар асосида индивидуаллаштирилган ёндашувлар хуружларни эрта аниқлаш ва самарали даволашга замин яратади. Илмий жиҳатдан асосланган мазкур ёндашув аҳоли ўртасида бош оғриқ ҳолатларини камайтиради, иш қобилиятини сақлайди, ҳамда ўз вақтида ва мақсадга йуналтирилган давони олиб бориш имконини яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** беморларнинг стационар муурожаати 2 мартага камаяди, хуружлар сони йилига 30% камайиши ҳисобидан ҳар бир нафар беморга бюджет ҳисобидан 150.400 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган лаборатор мезонлардан фойдаланиб эрта ташхислаш ҳисобидан ҳар бир нафар бемордан 150.400 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Бешинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** беморлар учун индивидуал ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда, реабилитация, касбга қайтариш ва психо-ижтимоий ёрдам чораларини самарали тарзда жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** бош оғриқ билан боғлиқ иш куни йўқотишлари, шифохона харажатлари ва самарасиз даволаш оқибатида вужудга келган харажатлар миллий иқтисодиёт учун салмоқли юк ҳисобланади. SF-36 асосида юқори хавф гуруҳларидаги беморлар эрта аниқланиб, мақсадли интервенцияларга йўналтирилиши, иш кунларини йўқотишни камайтириш, психо-эмоционал мувозанатни тиклаш ва қайта жамиятга мослашувни таъминлаш имкони орқали соғлиқни сақлаш харажатлари камайиши ҳисобидан ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағлардан 418 300 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан 651 800 сўм иқтисод қилишга эришилди. **Хулоса:** SF-36 сўровномаси асосида аниқланган ҳаёт сифати ва ижтимоий фаолликдаги пасайиш ҳолатлари мигрень ва сурункали бош оғриқларнинг аҳамиятли функционал оқибатларга олиб келишига далолат беради. Эрта скрининг ва мақсадли интервенция орқали когнитив ва ижтимоий имкониятларни тиклаш, иш қобилиятини сақлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий юкни камайтириш мумкин. Шу жиҳатдан, SF-36 каби комплекс баҳолаш воситаларининг клиник амалиётга интеграцияси юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та монография, ҳамда 2 та ЭХМ дастури тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 183 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бош оғриқ сурункали шакллари**нинг **замонавий талқини**» деб номланган бўлиб, етти бўлимдан иборат, сурункали аурали, аурасиз мигрень, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи, абузусли бош оғриғи тарқалиши ва ривожланиш омиллари, ташхислаш, даволаш, иммунологик ўзгаришлар, омега-3 таъсир механизмлари чуқур ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усуллари афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Сурункали бош оғриқлари материал ва усуллари**» деб аталиб, клиник материал ва тадқиқот усуллари умумий тавсифига бағишланган, шунингдек, олинган натижани статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Илмий-тадқиқот иши 2021-2024 йилларда Бухоро шаҳридаги “CARMEN PLUS” кўп тармоқли клиникасида стационар ва амбулатор шароитида даволанган сурункали аурали мигрень 76 нафар, сурункали аурасиз мигрень 75 нафар, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ташхиси мавжуд 117 нафар, абузусли бош оғриғи мавжуд 47 нафар, жами 315 беморнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик, иммунологик, нейропсихологик, инструментал текширув услублари таҳлилларига асосланган. Беморлар ёши 18-59 (ўртача ёши  $37.09 \pm 0.58$ ). Беморлар ЖССТ нинг 2017 йилда тавсия этган ёш мезонларига кўра ажратилди. Жами 315 нафар иштирокчи орасида 212 нафар аёл ( $67,3 \pm 2,64\%$ ) ва 103 нафар эркак ( $32,7 \pm 2,64\%$ ) қайд этилди.

## ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ



Диссертациянинг «**Сурункали бош оғриқлари клиник-неврологик ва нейровизуал ҳолатини баҳолаш**» деб аталган учинчи бобида сурункали бош оғриқлари патогенези ва клиник хусусиятларини чуқур ўрганиш мақсадида аурали мигрень, аурасиз мигрень, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва абзусли бош оғриқ гуруҳларида неврологик ва нейровизуал тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу тадқиқот доирасида клиник аломатлар, триггер омиллар, когнитив ва психоэмоционал ўзгаришлар, вегетатив дисфункция ва қон биомаркерлари таҳлили олиб борилган. Бош оғриғи ҳужжатларининг хусусиятларини баҳолашда аурали мигрень гуруҳида аура белгилари 85,53% ( $\chi^2=12,47$ ,  $p<0,001$ ) ҳолларда кўриш бузилишлари билан тавсифланди. Сенсор (5,26%), нутқ (5,26%) ва мотор (3,95%) аура кам учраган бўлиб, ушбу натижалар бош оғриғи патогенезининг гетерогенлигини тасдиқлайди. Бош оғриғи локализацияси бўйича таҳлиллар аурали мигрень гуруҳида оғриқ асосан бошнинг ярмида ( $R=0,78$ ,  $p<0,001$ ), пешона ва чакка соҳасида жойлашган. Аурасиз мигрень гуруҳида эса энсада бошланиб пешонага ўтиши ( $\chi^2=8,21$ ,  $p<0,004$ ) кўпроқ кузатилган. Продром белгилари таҳлили аурали мигрень гуруҳида фотофобия, фонофобия ва осмофобия 100% ҳолларда ( $\chi^2=15,62$ ,  $p<0,001$ ) учрайдиганлигини кўрсатган. Дикқатни жамлашда қийинчилик (98,68%), умумий кучсизлик (96,05%) ва кайфият пастлиги (67,11%) ҳам аурали мигрень билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Постдром белгилари эса уйқучанлик (80,26%) ва умумий кучсизлик (61,84%) кўринишида намоён бўлган. Сурункали бош оғриқларнинг патогенетик механизмида коморбид бузилишлар ва триггер омилларнинг аҳамияти юқори эканлиги аниқланган. Аурали мигрень гуруҳида уйқу бузилишлари (90,79%,  $\chi^2=11,45$ ,  $p<0,001$ ), гастроэнтерологик муаммолар (21,05%) ва метаболик-эндокрин ўзгаришлар (17,11%) бошқа гуруҳларга нисбатан юқори бўлган. Триггер омиллар таҳлилида стресс барча гуруҳларда деярли бир хил кўрсаткични ( $\approx 90\%$ ) ташкил этган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари аурали мигрень гуруҳида (100%,  $\chi^2=14,78$ ,  $p<0,001$ ) асосий кўзғатувчи омил сифатида қайд этилган.

Когнитив бузилишлар Trail Making Test орқали баҳоланиб, аурали мигрень ва абзусли бош оғриқ гуруҳларида когнитив бузилишлар ўртача (84,21%,  $\chi^2=9,32$ ,  $p=0,003$ ) ва оғир (2,63%) даражада қайд этилган. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эса енгил когнитив бузилишлар (28,21%) устунлик қилган.

Психоэмоционал ўзгаришлар HADS шкаласи ёрдамида баҳоланиб, аурали мигрень (38,16%,  $\chi^2=10,27$ ,  $p<0,001$ ) ва абзусли бош оғриқ (36,17%) гуруҳларида хавотир даражаси юқори эканлиги аниқланган.

Вегетатив дисфункция таҳлилида аурали мигрень гуруҳида симпатик нерв тизими гиперактивлиги юқори бўлиб, юрак уриш частотаси ва Кердо индекси юқори кўрсаткичларни ташкил этди ( $r=0,81$ ,  $p<0,001$ ).

Ҳаёт сифати баҳолаш натижалари SF-36 сўровномаси орқали таҳлил қилинганда, 4-гуруҳда жисмоний фаоллик энг паст (64,17,  $p<0,01$ ), 3- гуруҳда эса ижтимоий фаоллик энг юқори (64,56,  $p<0,01$ ) кўрсаткичларни ташкил этган. Оғриқ таъсири HALT индекси бўйича баҳоланганда, 3- гуруҳда (55,56%,  $\chi^2=8,96$ ,  $p<0,001$ ) кучли таъсир даражаси энг юқори эканлиги

аниқланган. Шу тариқа, когнитив бузилишлар, психоэмоционал ўзгаришлар ва ҳаёт сифати пасайиши аурали мигрень ва абузусли бош оғриқ гуруҳларида юқори даражада аниқланган бўлиб, ушбу беморларда индивидуаллаштирилган ёндашув зарурлиги тасдиқланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Сурункали бош оғриқлари нейрофизиологик ҳолатини баҳолаш”** деб номланган. Тадқиқот натижаларига кўра, электроэнцефалографик (ЭЭГ) таҳлиллар аурали ва аурасиз мигренга чалинган беморларда, шунингдек, сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва абузусли бош оғриқ ҳолатларида мия биоэлектрик фаоллигидаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

Хуруж давридаги ЭЭГ натижаларида аурали ва аурасиз мигренли беморларда пешона соҳасида секин тўлқинлар ( $\chi^2=197,820$ ;  $p<0,001$ ) ва альфа ритм амплитудасининг пасайиши ( $\chi^2=195,616$ ;  $p<0,001$ ) кўпроқ учраган. Бу ҳолатлар мияда нейрон фаолиятидаги изоҳли ўзгаришларни тасдиқлайди. Шу билан бирга, ўткирлашган альфа ритм, паст амплитудали ритмлар ва фокал дельта тўлқинлар ҳам аурали мигренли беморларда юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, марказий нерв тизимида кўзгалувчанликнинг ошганлигини кўрсатган ( $\chi^2=87,517$ ;  $p=0,000$ ;  $\chi^2=124,927$ ;  $p<0,001$ ;  $\chi^2=127,372$ ;  $p<0,001$ ). Абузусли бош оғриқли беморларда мигренга ўхшаш кўрсаткичлар кузатилган бўлсада, функционал фарқлар мавжудлиги аниқланган. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эса доминант альфа ритм юқори даражада сақланган ( $\chi^2=274,106$ ;  $p<0,001$ ), бу эса хуруж вақтида ҳам мия биоэлектрик фаоллигининг барқарорлигини кўрсатган.

Хуруждан ташқари даврда аурали ва аурасиз мигренли беморларда альфа ритм устунлиги сақланган ( $\chi^2=11,680$ ;  $p<0,01$ ), лекин пешона соҳасида секин тўлқинлар ва паст амплитудали ритмлар сақлангани миядаги нейронал дисбалансни тасдиқлаган ( $\chi^2=10,444$ ;  $p<0,01$ ;  $\chi^2=245,016$ ;  $p<0,001$ ). 3-гуруҳда мия ритмларининг барқарорлиги юқори бўлган, бу эса бошқа турдаги бош оғриқлардан фарқли жиҳат саналади. Гипервентиляцияда билатерал-синхрон секин тўлқинли фаоллик 3-гуруҳда тўлиқ кузатилган ( $\chi^2=258,290$ ;  $p<0,001$ ). Бу ҳолат мигренли беморларда мия реактивлиги пасайишини англатган.

Когнитив функциялар ва бош оғриқ ўртасидаги алоқалар Trail Making Test (ТМТ) таҳлиliga кўра, яримшарлараро асимметрия ва когнитив бузилишлар ўртасида мусбат корреляция мавжуд ( $r=0,224$ ). Пешонадаги секин тўлқинлар ва когнитив бузилишлар ўртасида кучли корреляция ( $r=0,906$ ) қайд этилган бўлиб, бу эса диққат ва хотира функцияларига салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек, депрессия ва когнитив бузилишлар ўртасидаги корреляция ( $r=0,513$ ) мигренли беморларда психоэмоционал ҳолат ўзгаришлари мавжудлигини кўрсатган. Шундай қилиб, когнитив функциялар ва бош оғриқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни инобатга олган ҳолда, когнитив реабилитация, психотерапия ва стрессни камайтиришга қаратилган чоратadbирлар даволаш жараёнида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг 5-боби **“Сурункали бош оғриқларнинг нейроиммунологик ҳолатини баҳолаш”** деб номланиб, мигрень ва бошқа сурункали бош оғриқларда иммун тизимининг яллиғланиш жараёнларидаги

иштироки ва биологик ўзгаришларини баҳолашга қаратилган. Иммунологик таҳлиллар доирасида IL-6, IL-1β, IL-10 ва C-реактив оқсил (CPO) каби кўрсаткичлар мигрень патогенезида муҳим роль ўйнаши мумкинлиги аниқланган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳи беморларида иммунология таҳлили натижалари (M±m)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3- гуруҳ	4-гуруҳ
Хуруж вақтида				
IL-6	13,86±0,29	11,8±0,23*	5,09±0,07**x	6,33±0,12**xΔ
IL-1β	14,56±0,31	11,93±0,41*	3,27±0,11**x	5±0,05**xΔ
IL-10	7,1±0,29	9,94±0,1*	6,39±0,11**x	7,45±0,27**xΔΔ
CPO	14,1±0,39	13,87±0,3**	4,01±0,14**x	4,6±0,12**xΔ
Хуруждан ташқари вақтида				
IL-6	6,36±0,1 <sup>©</sup>	5,41±0,14* <sup>©</sup>	4,95±0,06**x	5,14±0,16***xΔ <sup>©</sup>
IL-1β	6,52±0,12 <sup>©</sup>	5,74±0,15* <sup>©</sup>	4,06±0,02**x <sup>©</sup>	4,2±0,08**xΔ <sup>©</sup>
IL-10	9,86±0,19 <sup>©</sup>	7,87±0,25* <sup>©</sup>	4,79±0,04**x <sup>©</sup>	6,54±0,15**xΔ <sup>©</sup>
CPO	6,42±0,14 <sup>©</sup>	4,25±0,07* <sup>©</sup>	4,42±0,02**x <sup>©</sup>	4,23±0,01***xΔ <sup>©</sup>
Витамин Д	23,46±1,11	25,21±1,34	26,84±1,1	23,46±1,54

Изоҳ: \* - билан 1-гуруҳга нисбатан (\*\*\*) - p<0.05; \*\* - p<0.05; \* - p<0,001); x – билан 2-гуруҳга нисбатан (xxx - p<0.05; xx - p<0.05; x - p<0,001); Δ – билан 3-гуруҳга нисбатан (ΔΔΔ - p<0.05; ΔΔ - p<0.05; Δ - p<0,001); © – билан хуруж вақтидага нисбатан (©©© - p<0.05; ©© - p<0.05; © - p<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончли фарқ белгиланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, мигрень хуружлари пайтида IL-6 ва IL-1β даражалари сезиларли даражада ошиб, яллиғланиш жараёнлари ва оғриқ рецепторларининг ҳаддан ташқари кўзғалишига олиб келган. Шунингдек, IL-10 даражасининг ҳам пасайгани қайд этилган.

C-реактив оқсил яллиғланиш жараёнларининг умумий даражасини баҳолаш учун муҳим маркер сифатида ўрганилганда, хуруж вақтида унинг концентрацияси ошиб, яллиғланиш жараёнининг фаоллигини кўрсатган. Хуруждан ташқари вақтда эса бу кўрсаткичлар пасайиб, яллиғланиш реакцияларининг сусайиши кузатилган. Тадқиқот натижалари мигрень ва бошқа сурункали бош оғриқларда витамин D даражасининг аҳамиятлилигини кўрсатган. Аурали мигренли беморларда ва абузусли бош оғриқли беморларда витамин D даражаси нисбатан паст бўлган. Шу билан бирга, витамин D ва яллиғланиш жараёнлари ўртасида кучсиз манфий корреляция аниқланган, бу эса витамин D танқислиги яллиғланиш жараёнларини кучайтириши ва бош оғриқ интенсивлигига таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатган. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари мигрень ва бошқа сурункали бош оғриқларда иммун тизими ва яллиғланиш жараёнлари ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Хуруж пайтида яллиғланиш маркерлари ва интерлейкинлар даражалари ошиб, оғриқ сезгисини кучайтирган. Шунингдек, яллиғланиш жараёнлари бош оғриқ интенсивлиги ва давомийлигига бевосита таъсир қилгани аниқланган. Шу сабабли, мигрень ва бошқа сурункали бош

оғриқларни даволашда яллиғланишга қарши терапия, иммун тизимини мувозанатлаштирувчи воситалар ва витамин D қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг 6-боби “**Сурункали бош оғриқлари даволаш динамикасини баҳолаш**” деб номланган. Барча беморларга комплекс терапия тавсия этилган.

1-гуруҳ ва 2-гуруҳ беморларда хуруж вақтида суматриптан (50-100 мг), ностероид яллиғланишга қарши препаратлардан ибупрофен (400-600 мг), қусишга қарши воситалардан метоклопрамид (10 мг) берилган. Хуружларнинг олдини олиш учун бета-блокаторлардан пропранолол (40-160 мг/кун), антидепрессант амитриптилин (10-25 мг/кун) тавсия этилган.

3-гуруҳда хуруж вақтида ибупрофен (400-600 мг), напроксен (500-1000 мг, хуружларнинг олдини олиш мақсадида антидепрессант эсциталопрам (10-20 мг/кун), венлафаксин (75-150 мг/кун) берилган.

4-гуруҳ беморларда қабул қилинаётган ортикча дори воситалари (анальгетиклар, триптанлар, опиоидлар ва бошқалар) тўлиқ бекор қилинган. Бета-блокаторлардан пропранолол (40-160 мг/кун), антидепрессант амитриптилин (10-25 мг/кун) ёки эсциталопрам (10-20 мг/кун) ёки антиконвульсант топирамат (50-100 мг/кун) берилган.

Барча гуруҳлар учун кўшимча чоралар сифатида когнитив-хулқий терапия, стрессни бошқариш техникаси, омега-3 дори воситаси (омакор-1000 1 капсуладан 2 м ичишга), лозим бўлганда анксиолитиклар тавсия этилди. Тўғри турмуш тарзини шакллантириш- кечқурун 7-9 соатлик уйқу ва мунтазам график, овқатланишга эътибор бериш- триггер озиқ-овқатлар (кофеин, шоколад, қаҳва, кўп миқдордаги туз) истеъмолини чеклаш, суткасига 2-2,5 литр сув ичиш, жисмоний машқлар- енгил аэробик машқлар (югуриш, сузиш, йога) тавсия этилган.

Натижалар шуни кўрсатдики, комплекс терапия самарадорлиги турли патогенетик механизмларнинг нормаллашиши билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларига кўра, бош оғриқ интенсивлиги ва давомийлиги сезиларли даражада камайган ( $p < 0.001$ ). 1- гуруҳда оғриқ кунларининг бир ойдаги ўртача сони даволашдан олдин  $12,5 \pm 3,2$  бўлган бўлса, даволашдан кейин  $5,8 \pm 2,1$  кунгача камайган ( $r = -0.72$ ,  $p < 0.001$ ). 2- гуруҳда эса оғриқ кунлари камайиши нисбатан кам бўлиб,  $10,8 \pm 2,9$  дан  $7,4 \pm 2,3$  кунга тушган ( $r = -0.61$ ,  $p = 0.002$ ).

Даволашдан кейин ВАШ шкаласи 1- гуруҳда  $4,11 \pm 0,13$  ( $p < 0,001$ ), 2- гуруҳда  $3,87 \pm 0,11$  ( $p < 0,001$ ), 3- гуруҳда  $3,83 \pm 0,1$  ( $p < 0,001$ ) ва 4- гуруҳда  $4,4 \pm 0,19$  ( $p < 0,001$ ) баллини ташкил этган. Бу ҳолат даволаш фонидида барча гуруҳларда оғриқ даражаси сезиларли камайганлигини кўрсатган.

HALT индекси орқали беморларда бош оғриқнинг кундалик фаолиятга таъсири ўрганилганда, даволашдан кейин бош оғриқнинг минимал ёки оз таъсири аурал мигрень ( $36,84 \pm 5,53$ ), аурасиз мигрень ( $38,67 \pm 5,62$ ), сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ( $41,03 \pm 4,55$ ) ва абузусли бош оғриқ ( $36,17 \pm 7,01$ ) гуруҳларида ошгани кузатилган (2-жадвал).

## Даволаш фонида тадқиқот гуруҳларида HALT индекси

	Тадқиқот гуруҳлари							
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3- гуруҳ		4-гуруҳ	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %
Даводан олдин								
Бош оғриқнинг минимал ёки оз таъсири	0	0±0	0	0±0	0	0±0	0	0±0
Енгил ёки тез-тез бўлмаган таъсир	24	31,58±5,33	26	34,67±5,5	17	14,53±3,26	15	31,91±6,8
Ўрта таъсир	15	19,74±4,57	17	22,67±4,83	35	29,91±4,23	9	19,15±5,74
Кучли таъсир	37	48,68±5,73	32	42,67±5,71	65	55,56±4,59	23	48,94±7,29
Р	$\chi^2 = 9,658;$ $p = 0,008$		$\chi^2 = 4,560;$ $p = 0,102$		$\chi^2 = 30,154;$ $p = 0,000$		$\chi^2 = 6,298;$ $p = 0,043$	
Р	$\chi^2$ Пирсона = 13,967; $p = 0,030$							
Жами	76	100,00	75	100,00	117	100,00	47	100,00
Даводан кейин								
Бош оғриқнинг минимал ёки оз таъсири	28	36,84±5,53	29	38,67±5,62	48	41,03±4,55	17	36,17±7,01
Енгил ёки тез-тез бўлмаган таъсир	38	50±5,74	39	52±5,77	29	24,79±3,99	23	48,94±7,29
Ўрта таъсир	10	13,16±3,88	7	9,33±3,36	40	34,19±4,39	7	14,89±5,19
Кучли таъсир	0	0±0	0	0±0	0	0±0	0	0±0
Р	$\chi^2 = 15,895;$ $p = 0,000$		$\chi^2 = 21,440;$ $p = 0,000$		$\chi^2 = 4,667;$ $p = 0,097$		$\chi^2 = 8,340;$ $p = 0,015$	
Р	$\chi^2$ Пирсона = 30,392; $p = 0,000$							
Вилкоксон мезони Z/P	-6,878	0,000	-6,819	0,000	-8,862	0,000	-5,339	0,000

Енгил ёки тез-тез бўлмаган таъсир аурали мигрень ( $50 \pm 5,74$ ) ва аурасиз мигрень ( $52 \pm 5,77$ ) гуруҳларида юқори даражада сақланган. Ўртача таъсир даражаси сурункали зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида ( $34,19 \pm 4,39$ ) сақланган бўлсада, аурали мигрень ( $13,16 \pm 3,88$ ) ва аурасиз мигрень ( $9,33 \pm 3,36$ ) гуруҳларида сезиларли камайган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, мигрень ва бошқа бош оғриқлар ҳаёт сифатини жиддий даражада пасайтириши мумкин. Даволаш фонида барча гуруҳларда бош оғриқнинг кундалик фаолиятга таъсири камайган, айниқса, мигрень турларида сезиларли яхшиланиш кузатилган. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эса бошқа гуруҳларга нисбатан камроқ яхшиланиш қайд этилган. Тадқиқот натижалари мигрень ва бошқа бош оғриқлар даволанганда HALT индексидаги яхшиланишни баҳолаш орқали терапевтик самарадорликни объектив равишда баҳолаш мумкинлигини кўрсатган.

HURT сўровномаси даводан кейин барча гуруҳларда бош оғриқ частотаси ва кундалик фаолиятдаги функционал чекланишлар сезиларли даражада камайган. 2-группа бош оғриқ кунларини камайтиришда нисбатан юқори самара кўрсатган бўлса, 1-гуруҳ уй ишларида қийинчиликларни минималлаштиришда етакчи бўлган. Оила ва жамоат ишларидаги функционал чекланишлар эса 4-группада энг паст кўрсаткичга тушган. Бу натижалар турли бош оғриқ турларида терапевтик ёндашувнинг самараси турлича намоён бўлишини ва ҳар бир клиник ҳолатда индивидуаллашган даво тактикаси зарурлигини кўрсатган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Даволаш фонида тадқиқот гуруҳларида HURT сўровномаси (бош оғриқ давоси бўйича нотўлиқ сўровнома, Headache Under-Responseto Treatment) (M±m) натижалари

Кўрсаткичлар	Даволаш муддати	Тадқиқот гуруҳлари			
		1-гуруҳ	2-гуруҳ	3- гуруҳ	4-гуруҳ
Охирги ойда неча кун бош оғриқ булди	Олдин	17,39±0,33	19,55±0,21*	17,19±0,21 <sup>x</sup>	16,91±0,26 <sup>x</sup>
	Кейин	5,82±0,21 <sup>©</sup>	5,16±0,16 <sup>**</sup> *	5,67±0,15 <sup>©</sup>	5,83±0,32 <sup>©</sup>
Охирги 3 ой ичида неча кун уй ишларини бажаришга қийинчилик булди	Олдин	17,28±0,33	14,11±0,47 <sup>*</sup> ©	16,28±0,27 <sup>**</sup> xx	16,72±0,24 <sup>x△△</sup> △
	Кейин	4,88±0,11 <sup>©</sup>	4,87±0,11 <sup>©</sup>	4,79±0,1 <sup>©</sup>	4,91±0,17 <sup>©</sup>
